# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

1997 йил 14 март. Жума № 21 (5.794). Сотувда эркин нархда


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ТУБ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва қишлоққа етказиб бериладиган моддий-техника ресурслари ҳамда кўрсатиладиган хизматлар учун ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан уларга хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. 1997 йилдан бошлаб етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳамда қишлоқ хўжалигига етказиб бериладиган моддий-техника ресурслари ва кўрсатиладиган хизматлар учун молиялаш ҳамда ҳисоб-китобларнинг шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни мустаҳкамлашга ва шартнома мажбуриятлари бўйича таваккалчиликларни суғурталашга асосланган принципиал янги тизими жорий этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, қишлоқ хўжалигидаги товар ишлаб чиқарувчилар билан уларга хизмат кўрсатувчи тармоқлар ўртасидаги барча иқтисодий муносабатлар қуйидаги асосий шартнома турларини тузиш йўли билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексига ва бошқа қонунчилик актларига мувофиқ амалга оширилади:

тайёрловчи томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотини харид қилишга контрактация шартномаси, шу жумладан фьючер асосидаги шартнома;

давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ маҳсулотлари харид қилишга шартнома;

қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчиларга моддий-техника ресурслари етказиб бериш шартномаси;

қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчилар томонидан ёнилғи-мойлаш материаллари, энергия манбалари, минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари, қишлоқ хўжалик техникаси харид қилиш учун мақсадли кредитлар олишга шартнома, шунингдек ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг ҳуқуқий негизини таъминловчи бошқа турдаги шартномалар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўздавпахтасаноатсотиш», «Ўзмевасабзавотузумсаноат», «Ўзгўштсаноат» уюшмалари, марказий ва тижорат банклари, Молия вазирлиги, «Ўзагросуғурта» компанияси ҳамда бошқа вазирликлар ва идоралар билан бирга икки ҳафта муддатда мазкур шартномаларнинг намунавий шаклларини пухта ишлаб чиқиб, тасдиқласин ва уларда томонларнинг ўз зиммаларига қабул қилган мажбуриятлари бўйича мулкий жавобгарлик чораларини кўзда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1997 йилнинг 1 апрелига қадар муддат ичида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш маркази томонидан ишлаб чиқилган қишлоқ хўжалик минтақалари бўйича экин майдони ҳамда етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бирлигига ходимлар сони ва моддий-хомашё сарф-харажатлари чегараланган миқдорларининг нормативларига танқидий баҳо бериб, тўлиқ ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Нормативлар тасдиқлангандан кейин улар хўжаликларнинг бизнес-режаларини ишлаб чиқиш учун асос сифатида қишлоқ хўжалик корхоналарига етказилсин.

4. «Ўздавпахтасаноатсотиш» ва «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмалари, «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик корпорацияси, бошқа тайёрлов ташкилотлари қуйидагиларни амалда кенг жорий этсинлар:

аванс тариқасида бериладиган маблағлар қайтарилиши хусусида «Ўзагросуғурта» компанияси билан тегишли суғурта шартномалари тузилган тақдирда қишлоқ хўжалигидаги товар ишлаб чиқарувчиларга янги йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришнинг асосий даврлари бўйича босқичма-босқич аванс бериб бориш;

маҳсулот етказиб беришни кафолотловчи қишлоқ хўжалик корхоналари билан пахта, дон экинлари ҳамда бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилишга янги ҳосил йиғиштириб олингунга қадар улар қийматини 90 фоиз миқдорда олдиндан тўлаб қўйган ҳолда фьючер контрактлари тузиш.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси билан бирга жаҳон бозорида қулай коньюктура вужудга келган тақдирда ҳақи 90 фоиз миқдорда олдиндан тўланиши шарти билан янги ҳосил пахта толасини экспорт қилишга фьючер контрактларини тузсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кредит эмиссиясининг 1997 йилга мўлжаллаб белгиланган миқдорлари доирасида 1997 йил ҳосил учун, шу жумладан 1996 йилда ушбу мақсадларга ажратилган кредитларни қоплаш ҳисобига пахтакор ва ғаллакор хўжаликларга аванс бериш учун «Пахтабанк» ва «Ғаллабанк»ка қайта молиялаш кредитларини ажратиб беришни кўзда тутсин.

6. «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш», «Ўздавнефтмаҳсулот», «Ўзагрокимётаъминот» ташкилотлари ҳамда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бошқа вазирликлар ва идоралар тузилган шартномалар бўйича ресурслар қийматининг 15 фоизи олдиндан тўланган тақдирда сарф-харажатларнинг белгиланган солиштирма нормативларига қатъий мувофиқ равишда шартномалар тузилишини ва қишлоқ хўжалик корхоналарига моддий-техника ресурслари етказиб берилишини таъминласинлар. Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шаклини қўлланиш амалда жорий этилсин.

7. «Пахтабанк», «Ғаллабанк», «Мевасабзавотбанк»:

хўжаликлар билан қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг корхоналари, ташкилотлари ўртасида тузилган маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги шартномаларнинг ўз вақтида рўйхатдан ўтказилишини таъминласинлар;

хўжалик билан «Ўзагросуғурта» компанияси ўртасида суғурта шартномаси тузилган тақдирда тўлашга қобилиятли хўжаликларга ёнилғи-мойлаш материаллари, энергия манбалари, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик техникаси ҳамда бошқа моддий-техника ресурсларининг ҳақини тўлашга ўзларининг кредит маблағлари ҳисобидан мақсадли кредитларни ажратиб берсинлар.

8. «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик компанияси хўжалик паспортининг намунавий шаклларига ва қарз олувчига нисбатан талабларга мувофиқ, шунингдек белгиланган тартибда хўжалик мулкини гаровга қўйиш шартномаси тузилган тақдирда:

банкларнинг мақсадли кредитларини қоплаш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга аванс тариқасида бериладиган маблағларнинг қайтарилиш учун қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқарувчиларнинг жавобгарлигини суғурта қилсин;

кредитли шартноманинг ҳар бир лойиҳаси бўйича банкка эксперт хулосасини берсин.

9. Банкротлик ва санация масалалари бўйича ҳукумат комиссияси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмасини, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш марказини, «Ўзистиқболстат» давлат қўмитасини, Молия вазирлигини, тижорат банкларини, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашини, вилоятлар ва туманларнинг ҳокимликларини жалб этган ҳолда икки ой муддатда:

қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий-иқтисодий ҳолатини ялпи ҳисобга олиб, бунда зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли хўжаликларнинг рўйхатини аниқласин;

банкротлик тўғрисида амалдаги қонунга мувофиқ иқтисодий жиҳатдан ночор хўжаликларни реструктуризация қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу фармонни бажариш юзасидан қарор қабул қилсин. Мазкур фармоннинг бажарилаётганлиги 1997 йилнинг 1 ярми якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида кўриб чиқилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 11 март.

## ТАЖРИБА КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЙМОҚДА

***Андижон вилояти деҳқонларининг чигитни плёнка остига экиб парваришлаш усули ўзининг истиқболли эканини кўрсатди. Шу боис республикамизда пахтачиликдаги янги усулни янада оммалаштиришга катта эътибор берилмоқда. Яқинда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида чигитни плёнка остига экишни тарғиб қилиш бошқармаси тузилди. Биз мазкур бошқарма раҳбари Музаффар Эргашев билан суҳбатлашдик.***

— Бу йил республикамиз бўйича 218,5 минг гектар майдонда янги усулда пахта етиштириш мўлжалланмоқда. Бунинг учун етарли миқдорда плёнка келтирилди. Андижон, Самарқанд ва Наманган механика заводларида махсус сеялкалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимиз олимлари мазкур усулга 1960 йиллардаёқ эътибор қаратиб, Хитой, Греция ва Испания сингари мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганган эдилар. Бироқ бу усул ана шу давр мобайнида амалда қўлланмади. Ўтган йили Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманидаги Савай хўжалигида хитойлик мутахассислар кузатуви остида 50 гектар майдонда плёнка остига экилган ғўзадан ўртача 46,2 центнердан ҳосил олинди. Олтинкўл туманидаги «Намуна» жамоа хўжалигининг Сиёсатхон Абдуллаева бошлиқ бригадасида эса ҳосилдорлик 53 центнерга етди. Бошқа хўжаликларда ҳам ҳосил бундан кам бўлмади.

**— Чигитни плёнка остига қайси пайтда экan маъқул?**

— Плёнка остига чигит март ойининг охирларида экилади. Бу даврда плёнка тупроқ ҳароратини 3-4 даражагача оширади. Шунда чигит илдиз олиб, тўкис униб чиқа бошлайди. Энг муҳими — кучли ёмғир, сел ва дўл ҳам ғўзага таъсир этмайди. Эгатлар устини бегона ўт қопламайди. Чигит махсус сеялкада экилгани туфайли уруғлик сарфи камаяди, яганага деярли эҳтиёж қолмайди. Айни вақтда плёнка остига чигит экиб, пахта етиштириш технологияси одатдаги усулга нисбатан бир қанча агротехник жараёнлари билан ажралиб туради. Жумладан, кўсак июль ойидаёқ очила бошлайди. Ҳосилдорлик ўртача 10-12 центнер ортади. Бу эса талайгина миқдорда қўшимча даромад олиш имконини беради. Бир сўз билан айтганда, чигитни плёнка остига экиш ҳосилдорликнинг юқори бўлишини таъминлаб, катта иқтисодий самара келтиради.

**Б. ОСТАНАҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## АНДИЖОН УСУЛИ АСОСИДА

**Ўрта Чирчиқ тумани деҳқонлари ўтган йилни барча соҳада муваффақиятли якунладилар. Хўжаликларда ҳар гектаридан 55—60 центнердан хирмон кўтарган ғаллакорлар сафи кенгайди.**

**Бу йил туман пахтакорлари 13 минг 600 гектар майдонда оқ олтин етиштиришга аҳд қилишган. Шундан бир минг 800 гектарида плёнка остида ғўза ўстирилади. Туманда малакали мутахассислар ёрдамида семинар, амалий машғулотлар ташкил этилиб, унда бригадирлар, механизаторлар, сеялкачиларни янги усулнинг афзаллиги, моҳияти билан пухта таништириб чиқилди.**

**Тумандаги «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги, Тошкент давлат аграр университетининг ўқув тажриба хўжалиги 210 гектар, «Северний маяк», «Қорасув» жамоа хўжаликлари 170 гектар, «Гулистон», ўртасаройликлар 140 гектар, Ким Пен Хва номли хўжалик пахтакорлари эса 110 гектар майдонда андижонликлар усули асосида оқ олтин етиштиришга пухта тайёргарлик кўришаяпти.**

**Туманда барча техника воситалари сифатли таъмирланиб, экиш мавсумига тахт қилиб қўйилган. Шунингдек, андижонликлар усули асосида чигит қадайдиган 41 та сеялка ҳам олиб келинган. Ўрта чирчиқлик ғаллакорлар ўтган йил кузда 11 минг 350 гектар майдонга сифатли уруғ сепиб, бир текис ундириб олган эдилар. Унинг 1 минг 45 гектари лалми ерлардир. Барча ғаллазорлар ижарачи оилаларга шартнома асосида тақсимлаб берилган. Туман бўйича ўртача ҳосилдорликни 36,9 центнерга етказишни ният қилишган. Ҳозирга қадар майсазорлар икки марта озиқлантирилиб, ўғитга тўйдирилди.**

**— Ғаллакорларимиз кузги ва баҳорги парвариш ишларини юксак агротехника талаблари асосида олиб бориб, жорий йил мўл ҳосилига пухта замин яратмоқдалар, — дейди биз билан мулоқотда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Зокир Пўлатов. — Далалар кўкламнинг илк кунлариданоқ гавжум. Барча хўжаликларда очиқ майдонларга эртаги карам экиш ишлари авжида. Бу борада «Ҳақиқат», «Қорасув», «Истиқбол», ТИИИМСХ хўжаликларнинг сабзавоткорлари пешқадамликни қўлдан беришмаяпти.**

**Эркин ТЎЛАГАНОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

**Зангиота туманидаги А. Икромов номли фермерлар уюшмаси миришкорлари баҳорги экиш ишларига пухта ҳозирлик кўришмоқда. Иссиқхоналарда парваришланаётган карам, помидор кўчатлари бир текис ундириб олинди. Айни пайтда дала ишларига ҳам қизғин киришилган.**

**СУРАТЛАРДА: Тажрибали деҳқон Мухтор Шоҳасанов, иссиқхона ишчилари Дилором Қурбонова ҳамда Хадича Исломова кўчатларга ишлов беришмоқда.**

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**





*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши*

## КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ДАСТУР ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 28 февралдаги 116-сонли қарорига мувофиқ ҳамда демократик ва бозор ислоҳотлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш бўйича давлат, жамият ва инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамраб оладиган миллий дастур тузиш мақсадида:

1. Комиссия ва ишчи гуруҳлари тузилсин.

Комиссия ва ишчи гуруҳлари ишига ўзбекистонлик ва хорижий етакчи мутахассислар, кенг илмий ва педагогик жамоатчилик вакиллари жалб этилсин.

2. Комиссия ва ишчи гуруҳлари 1997 йил 1 июлга қадар бўлган муддатда кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур лойиҳасини давлатнинг энг муҳим, устувор вазифаси сифатида тузиб, кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

3. Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тузишда қуйидагилар назарда тутилсин:

бутун таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ишлаб турган ўқув юртларини янги йўналишга солиш ҳамда янги шароитлар ва замонавий технологияларда ишлай оладиган мутахассислар тайёрлаш учун янги ўқув юртлари, энг аввало техник коллежлар, бизнес мактаблари ва махсус ўқув юртлари ташкил этиш йўли билан тузилма янгиланишларини амалга ошириш;

ўқув-тарбия жараёни сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, таълим, замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг бутунлай янги усулларини жорий этиш;

Ўқув юртлари тузилмаларини такомиллаштириш, хусусан тўққизинчи синфни битирувчилар учун тадбиркорлик фаолияти асослари, иқтисодий ва ҳуқуқий билимлар дарслари киритилган махсус таълим муассасаларини барпо этиш ва уларнинг тармоғини кенгайтириш;

ёшларга миллий уйғониш ва умуминсоний қадриятларни идрок этиш мафкураси асосида, Ватанга меҳр-муҳаббат, мустақиллик идеалларига садоқат руҳида таълим-тарбия бериш;

ёшлар билан мунтазам равишда тинимсиз ишлаш, иқтидорли болаларни қидириб топиш, уларнинг энг яхши хорижий ўқув марказларида профессионал таълим олиши учун шароит яратиш;

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маънавий эҳтиёжига мос келадиган, юксак малакали хорижий мутахассислар билан рақобат қила оладиган кадрлар салоҳиятини юзага чиқариш ва уни ривожлантириш;

таълим муассасаларининг моддий-техник базасини янги ўқув адабиётлари, замонавий жиҳозлар ва компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш;

педагоглик касбига ҳурматни ошириш, педагог ва мураббийлар меҳнатига қизиқишни кучайтириш учун зарур бўлган ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш.

4. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир У. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамаси Раиси И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 10 март.

## ИШБИЛАРМОН АКА-УКАЛАР

**Товар ишлаб чиқарувчи тадбиркорларнинг «Ташаббус» вилоят кўрик-танловида Қизириқ тумани Охунбобоев номидаги жамоа хўжалиги фермерлари — тўрт ака-ука Комиловлар фахрли иккинчи ўринни эгалладилар. Уларга 3 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.**

**Ака-укалар ташкил этган кўргазмага қўйилган сут-қатиқ, қорамол гўшти, балиқ, маккажўхори сўтаси, буғдой арпа, ёрёнғоқ, карам, Сурхондарёда машҳур қовун-тарвуз уруғлари ўзининг сифатлилиги билан эътиборни ўзига жалб этди.**

**— Бир йил бурун хўжаликнинг юз бош қорамоли бўлган фермасини сотиб олган эдик, — дейди ака-укаларнинг каттаси Усмон Комилов. — Йил давомида 32 тонна гўшт етиштирдик. Қорамоллар сони кўпайиб, 126 бошга етди. 35 гектар ерда беда, ғалла етиштирилди. Ғалладан бўшаган ерларга такрорий экин экилди. Даромад ҳам шунга яраша бўлди. Муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Озуқа етишмаслиги сезиляпти. Шунинг учун бу йил асосий эътиборни ана шу муаммони ҳал этишга қаратмоқдамиз.**

**ЎзА.**

*Матбуот сўзининг таъсири*

## КУТУБХОНАЛАРГА ЭЪТИБОР ШУМИ?

**Эртанги кунимизнинг қандай бўлиши, қўлга киритиладиган ютуқлар авваламбор маънавиятга кўп жиҳатдан боғлиқ. Билимдон, маънавий баркамол инсондан фақат яхшилик, эзгулик келади. Бундайларни камол топишида зиё масканлари — кутубхоналарнинг ўрни беқиёсдир.**

**Афсуски, баъзи туман, хўжаликларда кутубхоналарнинг аҳволи бугунги кун талабига жавоб бермайди. Уларни зиё маскани, нурхона дейишга тилинг бормайди. «Қишлоқ ҳаёти» рўзномасининг 4-сонида босилган «Кутубхоналарга эътибор шуми?» танқидий мақоласида Жиззах вилояти, Зарбдор туманидаги айрим кутубхоналарнинг ночор холга тушиб қолганлиги танқид қилинган эди.**

**Куни кеча газета таҳририяти ушбу мақола юзасидан Зарбдор тумани ҳокими вазифасини бажарувчи А. Мажидовдан қуйидаги мазмунда хат олди. Уни тўласинча эътиборингизга ҳавола этамиз.**

«Қишлоқ ҳаёти» рўзномасининг 1997 йил 4 январь сонида эълон қилинган «Кутубхоналарга эътибор шуми?» танқидий мақолада Зарбдор тумани маданият бўлими қошидаги марказий кутубхонанинг ва хўжаликлардаги кутубхоналарнинг бугунги аҳволи шу кун талабига жавоб бермаслиги танқид қилинган эди.

Мақола туман ҳокимлигида қишлоқ ва шаҳарчалар фуқаролар йиғинлари, хўжаликлар касаба уюшмалари қўмиталари раислари, барча кутубхоналарнинг мудирлари иштирокида муҳокама этилиб, қарор қабул қилинди.

Танқидий мақолада келтирилган фактлар тўғри деб топилди.

Туман маданият бўлимига қарашли марказий кутубхонада маданий-маърифий тадбирлар ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги учун маданият бўлими мудири Б. Элмуродов ва марказий кутубхона мудираси В. Ибрагимоваларга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди.

Туман маданият бўлими ва марказий кутубхона маъмурияти томонидан кутубхонадаги мавжуд китоблар тартибга солинди, маънавий эскирган китоблар олиб ташланди. Шунингдек китобхонлар конференциясини ўтказиш, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар уюштириш режалари белгилаб олинди.

Туман марказий кутубхонасига 990 нусха бадиий асарлар келтирилди.

Хўжаликларнинг раҳбарларига, қишлоқ ва шаҳарча фуқаролар йиғинлари раисларига кутубхоналардаги аҳволни яхшилаш, китоблар сонини кўпайтириш чораларини кўриш, кутубхоналарни таъмирлаш масалаларини ҳал этиш топширилди. Эски тузумдан қолган шиорларни бир ҳафта ичида олиб ташлаш туман ҳокимлиги томонидан назоратга олинди. Бу борада Зарбдор, Бўстон шаҳарчаларида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Туман молия бўлимига янги бадиий, илмий-публицистик асарлар сотиб олиш учун маблағ ажратиш топширилди.

**Зарбдор тумани ҳокими вазифасини бажарувчи А. МАЖИДОВ.**

## 1997 — ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

# ТЎЛОВ ИНТИЗОМИ ВА ШАРТНОМА ТАЛАБИ

*Шу куннинг долзарб мавзуси*

Республикамиз халқ хўжалигининг барқарор бўлиши корхона ва хўжаликларнинг иқтисодий аҳволига бевосита боғлиқ.

Бозор иқтисодиети мулк шаклидан қатъий назар, ҳар бир жамоадан мустақил фаолият юритиш, ўзаро ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш, иқтисодиёт учун раҳбарлар масъуллигини талаб қилади. Кейинги вақтда Президентимиз ва ҳукуматнинг ана шу тартибда иш юритишнинг ҳуқуқий меъёрларини белгилаб берадиган бир қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Лекин ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишга қурби етмаётган, шартномаларга амал қилмаётган, бир-биридан қарз, бозор талабларини тўла ўрганмай маҳсулот ишлаб чиқараётган жамоалар ҳам кўплаб учрамоқда. Табиийки, бундай корхоналарда иқтисодиёт заифлашиб, ишчиларга ўз вақтида маош тўланмайди. Натижада баъзи корхоналар банкротга учраяпти. Масалан, 1995 йилнинг октябрь ойидан 1997 йил 1 январигача 135 та корхона банкротга учради.

Айни пайтда республика халқ хўжалигининг корхона, ташкилот ва хўжаликлари ўртасида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари мавжуд. Бунинг ярми қишлоқ хўжалик соҳасига тўғри келади. Бундай аҳволнинг юзага келишига юқорида айтганимиздек, бир қатор талаблар борки, токи уларга тўла амал қилинмас экан иқтисодиётни ўнглаб бўлмайди.

Биринчи навбатда насияга маҳсулот беришга чек қўйиш зарур. Бу борада олдиндан 15 фоиз ҳақ тўлаш тўғрисидаги ҳукумат қарорига қатъий амал қилиш лозим. Шу билан бирга қарорда кўрсатилган вақт мобайнида маҳсулотнинг тўла ҳақини олиш зарур. Иқтисоди заиф, тўлаш қобилиятига эга бўлмаган корхоналар билан шартномалар тузмаслик керак. Шартнома бандларининг ўз вақтида бажарилиши ҳар икки томон учун ҳам фойдалидир. Агар ўзаро ҳисоб-китоблар шу асосда амалга оширилса, иқтисодиётда туб ўзгариш бўлади. Сув қурилиши, Нефт маҳсулотлари давлат комитети, фармацевтика саноати. Алоқа, «Ўзбекистон темир йўллари», «Ўзавтойўл» ва «Ўзавтотранс» каби вазирлик, концерн, корпорацияларнинг қатор корхоналарида бу борадаги аҳволни яхши деб бўлмайди. Тўлов интизомига риоя қилинмаяпти. Илгаридан ҳақ олмасдан маҳсулотларни жўнатиш ҳоллари мавжуд. Ушбу корхоналар бозор шароитида ишлашга тўла ўргана олмаётганлари сабабли халқ хўжалигига муайян миқдорда зарар етказмоқда.

Афсуски, бозор шароитида фаолият юритаётганимиздан маълум вақт ўтган бўлса-да, кўпгина корхоналар ўртасида тузилган шартномаларда ҳамон камчилик ва нуқсонлар мавжуд. Уларнинг кўпчилигида бозор талабларини мутлақо билмаслик ёки ишга эътиборсизлик кўзга ташланаяпти. Масалан, «Тошкентвино» корхонаси билан «Тошкентсавдо» ва «Юнусободсавдо» ташкилотлари ўртасида тузилган ҳужжатларни олиб кўрайлик. Биринчидан, мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар корхоналарнинг низомига тўғри келмайди. Шу билан бирга банкда рўйхатдан ўтмаган, иккинчидан, юборилган маҳсулот учун пулнинг қай пайтда келиб тушиши кўрсатилмаган. Энг ачинарлиси, айрим шартномаларда кимларнингдир манфаатлари учун атайлаб шундай ҳужжатлар тузиш ҳоллари ҳам учраб турибди.

«Тошкент ёғ-мой» комбинати ва «Тошкентсавдо» ташкилоти ўртасида тузилган ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ана шундай камчиликлар мавжуд. Унда томонларнинг тўла ҳуқуқлари кўрсатилмаган. Бундай юридик асосга эга бўлмаган шартномаларни хўжалик судлари ҳам ажрим учун қабул қилишаяпти. Боиси, улар қонуний жиҳатдан давр талабига жавоб бермайди. Республика бўйича ўтган йили хўжалик судларида 2529 та ана шундай иш кўриб чиқилди. Уларнинг 435 таси қишлоқ хўжалиги ташкилотлари билан тузилган шартномалардир. 64 таси эса бевосита хўжаликлар билан тузилган.

Контрактация шартномаларини тузишга жиддий эътибор бериш керак. Ҳозиргача уларни тузишда турли хил камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бу халқ хўжалигига катта зарар келтираяпти. Кўпинча шартнома тузилаётганда бир томоннинг ҳуқуқларини камайтиришга уриниш ҳоллари мавжуд. Айниқса, бу хўжаликлар билан тузилаётганда яққол кўзга ташланмоқда. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари атайлаб иккинчи ўринга туширилаяпти. Бундай ҳолларга чек қўйиш керак. Шартнома тузилаётганда мукаммал бўлишига эришиш зарур. Ҳозир Адлия вазирлиги томонидан бундай ҳужжатларнинг янги турдаги 5 хили Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилган.

Бозорни ўрганмай маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам халқ хўжалигига путур етказмоқда. Кўпгина корхоналарда шундай ҳоллар мавжуд. Уларнинг бозор эҳтиёжини ўрганмай маҳсулот ишлаб чиқариши натижасида маҳсулотлар сотилмай қолаяпти. Натижада эса ишчиларга ўз вақтида маош тўланмай, жамоалар бюджет ва бошқа корхоналардан қарз бўлиб қолаяпти. Баъзи жамоалар ўзларининг ўтмайдиган молларидан қутилиш учун ҳатто, 15 фоиз олдиндан ҳақ олмасдан жўнатмоқда.

Корхоналардаги иқтисодий беқарорликнинг сабабларидан яна бири кадрлар қунимсизлиги ва ҳалиям баъзи раҳбарларнинг янги шароитда ишлашга кўника олмаётганлигидир. Бунга мисоллар келтириш мумкин. Шундай жамоалар борки, уларда деярли ҳар йили раҳбарлар алмаштирилади. Масалан, Тошкент вилоятидаги Ғазалкент вино-ароқ заводида тўрт йилда учта директор ўзгартирилган. Корхоналарнинг кўпчилиги ҳиссадорлик жамиятлари ёки мулк шаклининг турли кўринишларига ўтганлигига қарамай, ҳамон директорлар ўзини якка хўжайин деб ҳис қилади. Ҳиссадорлар, бошқарув аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқлари инобатга олинмаяпти.

Банкларнинг халқ хўжалигида алоҳида ўрни бор. Лекин ҳозирги шароитда уларнинг баъзилари давр талаби даражасида иш юрита олмаяпти. Масалан, шундай банклар ҳам борки, улар ҳатто ўзларининг акционерлари ишончини оқлай олмаяпти.

Шунингдек, иқтисодиётнинг асосий бўғини ҳисобланмиш банклар, молия муассасалари сўмимизнинг қадрини ошириш борасида ҳам етарли даражада иш олиб боролмаяпти.

Утган йили республикамизда 84 минг кичик ва хусусий корхона бўлган бўлса, яқинда уларнинг сони яна 24 мингтага кўпайди. Маълум сабабларга кўра, уларнинг кўпчилиги ёпилган эди. Лекин бундай корхоналар номлари ўзгартирилиб, баъзилари яна очилди. Буни қандай тушуниш мумкин? Шаҳар, туман ҳокимликлари қаёққа қараяпти деган табиий савол туғилади.

Дўконлар ва пул билан муомала қиладиган идораларда нақд пулни банкка топширмаслик ҳоллари мавжуд. Уларнинг баъзилари тушган пулни ҳатто бир неча ойлаб банкка топширмаяпти. Бундай ҳолларга ҳам чек қўйиш керак.

Хуллас, иқтисодиётдаги бундай муаммоларга ечим топиш шу куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Улар қанчалик тезроқ бартараф этилса, халқ хўжалигидаги ишлар шунчалик тез яхшиланиб, харидоргир, жаҳон талабларига мос келадиган маҳсулотлар кўпаяди.

**Ҳ. КАРИМОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» шарҳловчиси.**

## ЯНГИЛИККА ИНТИЛИБ

**Ҳалимахон Эшонова Шаҳрихон туманидаги Ғуломжон Жўраев номли жамоа хўжалигида бригада саркори. У ўтган йили мавжуд 32 гектар майдоннинг 16 гектарига плёнка остига чигит экиб, юқори натижага эришди. Сарҳисобда очиққа эккан ғўзалардан 40 центнердан, плёнкадагидан эса гектаридан 50 центнердан ҳосил йиғиб олди.**

**Миришкорлар бу йил 32 гектар майдоннинг ҳаммасига плёнка остига чигит экишни режалаштирган. Айни пайтда тайёргарлик ишлари қизғин бораяпти. Эгатлар олинган, сеялкалар мослаб қўйилган.**

**Сожидахон Мирзаева, Садбархон Раҳмонова, Ҳайитхон Аҳмедова, Анзиратхон Валиева каби бригада аъзолари мавсумга тайёргарлик кўришда фаол қатнашмоқдалар.**

**М. АЛИБОБОЕВ.**

## ПУХТА ҲОЗИРЛИК

**Касби туманидаги А. Навоий номли жамоа-ширкат хўжалигида баҳорги экиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрилаяпти. Техника сифатли таъмирланмоқда. Устахонада таъмирловчилар бригадаси ташкил этилган. Уларнинг кучи билан ҳайдов ва чопиқ тракторларининг асосий қисми тайёргарлик чизиғига қўйилди.**

**Хўжаликда ерларни текислаш, пушта олиш қизғин давом этмоқда. Баҳорда 2560 гектар ерга барака уруғи қадалади. Мавжуд майдонларнинг 1000 гектарига ипак пахтанинг «Т-24» ва «Қарши-8» навлари экиш режалаштирилаяпти. Қувончлиси шундаки, хўжаликда бу йил биринчи марта 140 гектар ерга чигит плёнка остига қадалиб, унинг гектаридан 40 центнердан ҳосил йиғиб олиш мўлжалланаяпти. Андижонликлар технологияси асосида уруғ экиладиган ерлар сифатли тайёрлаб бўлинди. Пушта олишдан олдин майдонлар маъдан ва минерал ўғитлар билан озиқлантирилди.**

# ҚУВА ШАРБАТИ ЖАҲОН БОЗОРИГА

*Акциядор корхона тажрибасидан*



**«Қуваконсерва» ҳиссадорлик жамияти раиси, Асатиллахон Улиқов.**

Республика Вазирлар Маҳкамасида шу йил 27 январда бўлиб ўтган йиғилишда юртбошимиз «Деҳқон ўз маҳсулотини кимга, қанча ва қандай нархда сотишини аниқ билиши лозим. Шундагина у хотиржам ва меҳнати самарасига ишонган ҳолда ишлайди», деган эди. Бу йўриқдан ўзларига тегишли хулосалар чиқариб олган «Қуваконсерва» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти 1997—инсон манфаатлари йилида деҳқонлардан кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиб олишни режалаштирдилар. Чунки туманда мева ва сабзавотларини вақтида сота олмаётган айрим деҳқонлар ранжиб, ҳатто томорқаларидаги анор, беҳи, олма кўчатларини кўчириб ташлашни бошлашган эдилар. Бунинг олдини олиш, деҳқонларга яқиндан кўмақлашиш ниятида туман ҳокими барча хўжалик, ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққат-эътиборини мевали кўчатлар экишни кўпайтиришга қаратди. «Қуваконсерва» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти тумандаги барча жамоа хўжаликлари ва томорқа эгалари билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиб олиш ҳақида шартномалар тузди. Қўшни Қувасой шаҳар хўжаликлари ҳам заводга мева ва сабзавотларни сотиш тўғрисида битимга келдилар. «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси деҳқонлардан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиб олиш учун корхонага 6 миллион сўм қарз берадиган бўлди. Энди корхонадаги 6 нафар тайёрловчилар пишиқчилик даврида деҳқонлар ҳузурида тез-тез бўлиб, томорқадан чиққан мева ва сабзавотларни бозор баҳосида харид қилиб оладилар.

— Бу йил, — дейди тадбиркор, корхона раҳбари Асатилла Улиқов, — хўжаликлар ва томорқали деҳқонлардан 4 минг тоннадан зиёд мева, сабзавот маҳсулотларини сотиб оламиз. Шу жумладан, 2600 тонна ҳўл мева, 400 тонна сабзавот, 400 тонна узум, 600 тонна анор харид қилинади. Анорни аҳолидан ташқари кўпроқ «Анор» ва Шербўтаев номли жамоа хўжаликлари топширадилар.

Бунча кўп миқдордаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва харидорга манзур этиш осон эмас. Бунинг учун кўпроқ изланиш, технологик жараёнларни такомиллаштириш, консерва ва шарбатлар сифатини янада яхшилаш лозим. Бу ерда тайёрланаётган шарбатлар табиий ширин бўлса-да, аммо реклама-безаги харидорни тортадиган даражада чиройли эмас, маҳсулотлар номи оддий қоғозларга ёзиб қўйилган, идишлар ҳам бир қолипда. Хорижда реклама кучли, идишлар ҳар хил ҳажмда, ҳатто целлофан, пластмассаларга шарбатлар қуйиб сотилади.

— Биз ҳам Қува консерваси, шарбати, айниқса анорнинг шифобахш шарбатини жаҳон бозорига олиб чиқиш учун технология жараёнларига айрим ўзгартишлар киритадиган бўлдик, — дейди Асатилла ака. Бизда ҳозир ишлаб турган анор шарбатини эзиб олувчи линияни Италиянинг «Бертуцин» фирмаси мутахассислари қуриб беришган эди. Энди ана шу шарбат линиясини қайта жиҳозлаш, таъмирлаш учун машҳур «Бертуцин» фирмаси билан шартнома туздик. Яқин кунларда мутахассислар келиб иш бошлайдилар. Такомиллаштирилган янги линия ишга туширилса хориждаги каби бизда ҳам 100, 150, 200, 250, 500 граммлик чиройли целлофонлар пластмасса идишларга анор шарбатини қуйиб чиқариш мумкин бўлади. Цехнинг ишлаб чиқариш қуввати ўн бароборга ортади. Шифобахш, ширин шарбатларни жаҳон бозорига олиб чиқишга имконият туғилади.

Анор шарбати оладиган линия ҳозир ҳам ишлаб турибди. Бу ерда 5 хил турда маҳсулот тайёрланмоқда. Шунингдек, юқори ширинликдаги қуюлтирилган анор шарбати (концентрат), беҳи, олма, ўрик шарбатлари ишлаб чиқарилмоқда. Анор шарбати инсон учун фойдали, шифобахш, сервитамин ичимлик бўлиб уни кўпроқ болаларга, камқон, кам қувват кишиларга ичирилади. Бу шарбат тезда айнимайди, мўътадил жойда сақланса икки йилгача сифатини ўзгартирмайди. Корхонада 2 минг тонналик совуттич идишлар бор. Унда анор, узум, олма, олхўри шарбатлари сақланади.

Тажрибали мутахассис Иброҳимжон Мадраҳимов бошчилик қилаётган мева ва сабзавотларни қайта ишлаш цехи корхонанинг етакчи тармоғи саналади. Бу ерда ўрик, олма, шафтоли, олхўри ва бошқа турли сабзавотлар консерва қилинади. Биргина помидорнинг ўзидан тўрт хил маҳсулот олинади, хуллас, корхонада 42 хил турдаги консерва маҳсулотлари, шарбатлари ишлаб чиқилади. Утган йили 8 миллион 620 минг дона шартли банка маҳсулот тайёрланди. Шундан 5000 банкаси анор шарбати эди. Йиллик режа 100,2 фоизга ўринлатилди. Кўрилган фойда 15,4 миллион сўмни ташкил этди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар «Ўзбекбирлашув», «Ўзбексавдо» тармоқларига, ҳамдўстлик мамлакатларига, вилоятдаги савдо ташкилотларига, шартнома тузган корхона ва хўжаликларга берилмоқда. 1997 йили янги қувватларни ишга солиб, 12 миллион шартли банка консервалар тайёрлаш режалаштирилди.

— Асатилла Мусахонович, очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятингизда ҳозир пайчиларга дивиденд тўлашнинг аҳволи қандай?

— Корхонада доимий ишлайдиган 120 нафар ишчи бор, ёзги пишиқчилик мавсумида уларнинг сони 250 нафардан ортади. Жамият дастлаб ташкил бўлган 1995 йили 13090 дона акция чиқардик. Ишчиларга тарқатдик. Уша йили кўрилган фойдадан пайчиларга дивиденд тўлаш учун 448,2 минг сўм ажратилди, меҳнат жамоасининг ҳар бир юз сўм акциясига 67 сўм 10 тийиндан дивиденд тўланди. Ҳар бир акциянинг қиймати 1311 сўмга тўғри келди. Даромад кўпайган сари пайчиларнинг акцияга қизиқиши ҳам ортиб бормоқда. 1996 йили кўрилган жами 15,410 минг сўм фойдадан 9397 минг сўм пайчилар улушига ажратилди. Бундан дивиденд тўлашга 50 фоиз, яъни 4698,5 минг сўм, давлат улушига 25 фоизи, эркин улушга 24 фоизи ажратилди.

Корхонада ишчиларнинг меҳнат шароитини яхшилашга, ижтимоий ва моддий ҳимоялашга катта эътибор берилмоқда. Шинам ошхонада ҳар куни ишчиларга бепул иссиқ овқат берилади. Ойлик маошлари, мукофот пуллари ўз вақтида тарқатилади, чойхона, тиббиёт пункти, пойабзал таъмирлаш устахонаси улар хизматида. Қўқон ёғ-мой ҳиссадорлик жамиятига ўрик-шафтоли данакларини топшириб, шу ҳисобдан ишчиларга ёғ берилмоқда.

Корхонада мева чиқиндилари ташлаб юборилмайди, олма пўстлоғи хўжаликларнинг чорвасига, анор пўстлоғи паррандачилик фермасига ҳамда Андижон вилоятидаги бўёқ тайёрлаш заводига топширилмоқда. Буларнинг эвазига жамоа учун зарур моллар олинаётир. Туманнинг Шербўтаев номли жамоа хўжалигида ҳиссадорлик жамиятининг 3 гектар боғи бор. Шу боғда етиштирилган мева, сабзавот маҳсулотлари ишчиларга берилади. Маъмуриятнинг кўрсатаётган эътибор ғамхўрлиги ишчилар ва мутахассисларнинг куч-ғайратини янада оширмоқда. Самаралироқ, унумлироқ меҳнат қилишга даъват этмоқда. Маҳбуба Сойнурдинова, Йўлдошали Мадраҳимов, Одинахон Қамбарова, Гулбаҳор Қодирова, Илҳомжон Ҳожимуродов сингари ишчилар, Камолиддин Парпиев, Иброҳимжон Мадраҳимов, Эргашбой Абдуллаев, Худойназар Абдуназаров, Мақсудахон Абдуллаева каби цех бошлиқлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, маҳсулот сифатини яхшилашда фидойилик кўрсатмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир соҳанинг билағони, миришкори бўлса жамоанинг ютуқлари ортаверади. Асатилла Улиқов ана шундай ўз соҳасининг миришкорларидан. У корхонанинг шуҳратини ошириш учун кўп йиллардан бери самарали меҳнат қилиб келмоқда. Ўзбекистон саноати ва қишлоқ хўжалигининг етакчи раҳбарлари ва мутахассислари қаторида Германиянинг Дрезден шаҳридаги академияда ҳозирги замон ишлаб чиқаришни мукаммал ўрганиш ниятида ўқиб келди. Ана шу билими ва тажрибаларини ишга солиб «Қуваконсерва» маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқишга астойдил бел боғламоқда.

**Раҳимжон МЕЛИБОЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**



**Лаборатория мудири (ўнгдан чапга) Мақсудахон Абдуллаева, лаборант Зулхумор Ғуломова ва корхона бош муҳандиси Бозорбой Рустамов маҳсулот сифатини кўздан кечираётган пайт.**



**Тайёр маҳсулот омбори мудири Аҳмаджон Қўшоқов ва ишчи Маҳбуба Сойнурдинова.**

**Ғанижон МУҲАММАДҚОДИРИЙ олган суратлар.**

# МИНГ БИР БОҒ КЎРКИ

Яккабоғ қир-адирларида дилбар фасл баҳор сеп ёйган. Кўз илғамас далаларни кўм-кўк ўт-ўланлар гиламдек қоплаган. Дарахтларнинг бўртиган новдаларида қушлар сайраб, еру кўкни навога тўлдирмоқда. Эски Яккабоғ қўрғони Қашқадарё воҳасида табиати сўлим, шу билан бирга тарихий ёдгорликларга бой гўша. Қўрғонча кейинги уч йилда таниб бўлмас даражада жамол очди: обидалар таъмир қилинди. Янги қурилишлар, кўчалар, маҳаллалар қиёфасига кўркамлик касб этди. «Кейинги уч йил» дейишимизнинг боиси шуки, 1964 йили район маркази темир йўл мавзега кўчирилгач, эски Яккабоғ қўрғони ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Қурилиш, ободончилик ишлари олиб борилмади. У ердаги Ёдгор Валламин мадрасаси, Беглик қалъа, Тўпхона каби асори атиқалар қаровсиз қолди. Бундай ноҳушлик куни битди. Мустақиллик қуёши қадриятларимизни, ўтмишдан бебаҳо мерос бўлган тарихий ёдгорликларимизни улуғлади. Яккабоғ ҳам янгиланишга юз бурди. Эски қўрғончадаги янги дўконлар, маиший хизмат уйлари умумий овқатланиш тармоқлари, касалхона, поликлиника, кутубхона, учта ўрта мактаб, хорижий тиллар коллежи, боғча, бичиш-тикиш цехлари, бугунги Яккабоғнинг муборак чеҳрасидир. Маҳалла ичкарисидаги йўллар илк марта асфальтланди. Бош режа асосида дўконлари бор шох бекатлар тикланди. Кўп йиллардан бери пайсалга солиб келинган 16 километрлик газ қувурлари қуриб битказилди. Наврўз байрами арафасида кўпгина хоналарда илк бор зангори олов порлайди. Эски қўрғонча қиёфаси янада кўркамлашади. Зеро бошлаб юборилган қурилишлар бирин-кетин ниҳоясига етказилмоқда. Куни кеча бир суткада икки тонна ҳар хил нон пишириладиган завод фойдаланишга топширилди. Кўп қаватли супермаркет, дорихона, гиёҳлардан ичимлик тайёрлаб сотадиган дўкон ва бошқа шу каби маданий-маиший иморатлар жадал қад ростламоқда. Шаҳрисабз таъмирлаш корхонасининг усталари эски ёдгорликларни таъмирлаб, асл ҳолига келтиришди. Ёдгор Валламин мадрасасининг ён-атрофида сув ҳавзалари, хиёбонлар, йўлкалар барпо этилиб, аҳолининг бу ерда ҳордиқ чиқариши учун зарур шарт-шароит яратилди.

Якка отнинг чанги чиқмас дейдилар, лекин киши тадбиркор, ташкилотчи бўлса одамларни ортидан эргаштира олса, уларни бунёдкорлик ишларига жалб қила олса, у албатта эл оғзига тушади. Тадбиркор Собиржон Орипов фаолияти фикримизнинг далили бўла олади. У эски Яккабоғ фуқаролар йиғинига раиси бўлиб келгач, бу ер обод бўлди, кўркамлашди. Баҳор айёми кезларида у ерда бўлган киши унинг мафтункор чеҳрасига маҳлиё бўлғай. Кам таъминланган оилалар, пенсионеру ногиронлар ҳам эътиборда. Утган йили 486 оилага нафақа тайинланди. 120 оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Юзга яқин киши ишга жойлаштирилди. 30 га яқин мутахассис ўз малакасини оширди.

Яшарган Яккабоғ аҳолиси еттидан етмиш яшаргача бугун янгиланиш, гўзаллик байрами Наврўз шодиёнаси руҳи билан яшаб меҳнат қилмоқда. Баҳор байрамини муносиб кутиб олиш учун маҳаллаларда ҳозирлик қизғин. Жойларда Наврўз шарафига ҳашар йўли билан тозалик, орасталик, кўкаламзорлаштириш ойлиги ўтказиляпти. Кимнинг сумалаги тотли, дастурхон безаш, фольклор қўшиқлари ижро этиш бўйича мусобақалар ташкил этилмоқда. Наврўзни чинакам халқ сайлига айлантириш тадбирлари амалга оширилмоқда.

**Хайрулла ТЎРАЕВ.**

# ҲИММАТЛИ ФЕРМЕР

Муродилла Умрзоқов Чуст тумани Алишер Навоий номли жамоа хўжалигидаги «Пахтакор» деҳқон (фермер) хўжалиги бошлиғи. Бунгача у жамоада узоқ йиллар бош муҳандис бўлиб меҳнат қилди. Мулкчиликнинг янги шакллари вужудга келаётганида у шу соҳада иш юритишга қарор қилди. 1993 йили яхши ният билан деҳқон (фермер) хўжалигини тузди. 38 гектар ер олди. Деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланди. 20 кишини бирлаштирган жамоага тўртта турли русумдаги техника ажратилди. Утган йил ҳосилдорлик 36 центнерни ташкил қилди. Ғалладан баракали ҳосил етиштирилди. Икки гектар ерга картошка экиб, 44 тонна маҳсулот олинди.

— Ҳаракат қилса, барака бўлади, — дейди Муродилла Умрзоқов. — Жамоамиз аъзолари фарзандларим, қариндош-уруғларим бир-бирларимизни яхши тушунамиз. Бизда бирор қарич ер бекор турмайди. Утган йилги натижалардан фақат боғдорчиликдан қониқиш ҳосил қилмадик. 8 гектар мевазорни айни гуллаган пайтида совуқ уриб кетди. 2,5 тонна мева йиғиштириб олдик, холос. Даромад икки миллион сўмни ташкил қилди. Соф фойдамиз ҳам яхши. Яқинда бўлиб ўтган мамлакатимиз Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий инвестициялар бўйича идораларaро кенгаш мажлисида ислоҳотларни амалга оширишда ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳақида рўй-рост гапирилди. Улардан тегишли хулоса чиқариш тармоқда фаолият кўрсатаётган мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча касб эгаларининг асосий вазифасига айланмоғи лозим.

Фермер хўжалигининг ютуқлари яна ҳам кўп бўлиши мумкин эди. Сув танқислиги уларга халақит бермоқда. Шундай бўлса-да фермер хўжалиги яқинда ташкил этилганлигига қарамай, ўзини тўла оқлади. Бир сўз билан айтганда, мулк эгасини топди.

— Утган йили туманда пахта ва бошқа соҳалар бўйича марралар эгалланмай қолди, — дейди туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Жўрабой Маҳмудов. — Мулкдорлар сифатида шаклланаётган бизнинг тизимимизда эса деярли ҳамма соҳада мўлжалдаги маҳсулотлар етиштирилди. 622 тонна пахта, 704 тонна ғалла олинди. Бундан ташқари 380 тонна картошка, 420 тонна полиз, 780 тонна сабзавот, 181 тонна узум, 54 тонна гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Муродилла Умрзоқов бошлиқ фермер хўжалиги деҳқонлари жорий йилда ҳар гектар ердан 250 центнердан картошка ва бошқа маҳсулотлар етириштириш учун астойдил интиляптилар. Улар фойдадан битта трактор ва битта юк машинаси сотиб олишмоқчи.

— Агар имкон яратилса туман аҳолисини картошка билан тўла таъминлаш мумкин, — дейди М. Умрзоқов. — Бунинг учун омборхона қуришга ер зарур.

Муродилланинг таклифича, узоқ муддатли имтиёзли кредит берилса яхши бўларди. Бир муаммо. Пулнинг «Пахтабанк»дан «Тадбиркорбанк»ка ўтиши жуда қийин булаяпти. Бу масалани ҳеч қанақа муаммосиз ҳал қилиш керак. Яқинда фермер ўз ҳақини олиш учун 13 та ташкилотдан турли хил маълумотномалар олди.

Муродилла Умрзоқов инсон манфаатлари йилида ҳамқишлоқларидан кам таъминланган тўртта оилани оталиққа олди. Шу билан бирга у 30-мактаб ўқувчиларига ҳам ёрдам бермоқда.

**Абдунаби ҚОРАБОЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

